

**Ижроия органининг жамиятни ривожлантириш
стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар
тўғрисида ва 2024 йил 4 чорак якунлари бўйича
ҲИСОБОТИ**

Қурилиш ва ижтимоий масалалар

Қурилиш ва ижтимоий масалалар бўйича 2024 йилнинг 4-чорагида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, Даугизтау кўрғонида тош майдалаш цехга 10м*10м ўлчамдаги керн намуналарини хужжатлаштириш биносини қурилди.

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, Мурунтау кўрғонида жойлашган керн намуналарини хужжатлаштириш биносини ички қисми қисман таъмирланди.

Навоий вилояти, Мурунтау ДЭда 4 дона кўчма яшаш вагон уйлари таъмирланди.

Навоий вилояти, Мурунтау ДЭда 9м*4м ўлчамдаги ёқилғи мойларини сақлаш омборини устки ва пол қисмлари таъмирланди.

Навоий вилояти, Мурунтау ДЭга қарашли ёш мутахассислар ётоқхонасини иситиш тизими тўлиқ алмаштирилди ва қозонхона қурилди.

Навоий вилояти, Учқудук шаҳри, Кўкпатас кўрғонида жойлашган Кўкпатас ДЭсига қарашли тош майдалаш биноси, ювиниш хонаси ва колидори таъмирланди.

Навоий вилояти, Учқудук шаҳри, Кўкпатас кўрғонида жойлашган Кўкпатас ДЭда 2 дона кўчма яшаш вагон уйлари таъмирланди.

Сурхондарё ДЭ Воднисой участкасида 30*5 ўлчамдаги навеснинг атрофи блок ғишт билан ўралди.

Қашқадарё вилояти Ҳисор МГҚЭси маъмурий биноининг иситиш тизими тўлиқ алмаштирилди а 2 та қозонхона ўрнатилди.

Самарқанд МГҚЕнинг Навоий вилояти, Кармана тумани, Олавянка кўрғонида жойлашган қурилиш цехи ҳудудида қурилган керн яшиқларини сақлаш учун айвонни таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Зарафшон ДЭнинг Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Геологлар кўрғонидаги “Тош майдалаш участкаси” ҳудудида жойлашган намуна сақлаш омборида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган Тошкент МГҚЭсининг маъмурий биноси тўлиқ таъмирланди.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган Тошкент МГҚЭсининг лаборатория биносининг ички қисми таъмирланди.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган Тошкент МГҚЭсига тегишли 4 та кўчма яшаш уйлари (вагон) тўлиқ таъмирланди.

**Қурилиш ва ижтимоий
соҳа бўлими бошлиғи**



М.Мирзаев